

ХФР

1918-yil
21-iyundan chiqqa
boshlagan

№49, 2022-yil
8-dekabr,
payshanba (32.743)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

O'zbekiston O'VOZI

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азишларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улуг тарихий сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик.

Ана шундай мустаҳкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бево-сита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озод ва обод ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Дунё микёсида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислохотларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва таклифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда **“Инсон – жамият – давлат”** деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуглаш бу борадаги ислохотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакилларини, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принциплал аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз – турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча таклиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Пандемия шароитига қарамасдан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги – 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмокдаимиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг қутлуг байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!

Барчамизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



8 декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси қабул
қилинган кун



Бугун яна қадимий
муносабатлар тикланди.
Иттифоқ давридан
ёмон мерос сифатида
сақланиб келган
тушунмовчиликларнинг
ечими кўпроқ оддий
халқнинг елкасига шамол
тегишига сабаб бўлди.
Чегараларимиз қайта
очилди, виза масалалари
ҳал бўлди.

5 САҲИФА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин
кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига
қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш
тўғрисида”ги Фармониға шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 402 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 128 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 201 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 15 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда 223 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда, 121 нафар шахс про-

бация органлари назоратидан чиқарилмоқда. Шунингдек, 58 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 17 нафарини чет эл фуқаролари, 26 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 63 нафарини аёл ҳамда 19 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шўғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ

КОНСТИТУЦИЯ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИДАН
БЕРИ ҚАРИЙБ 30 ЙИЛ
ДАВОМИДА АҲОЛИ ФИКРИ,
МУНОСАБАТИ ҲОЗИРГИДЕК
ИЗЧИЛ ЎРГАНИЛМАГАН.
БОШ ҚОМУСИМИЗГА 16
МАРТА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАН
БЎЛСА, АСОСАН ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИ БИЛАН
БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРДА
ЎЗГАРИШЛАР БЎЛГАНИ
ҲАҚИДА ФИКРЛАР МУҲИМ.
АЙНИҚСА, ИЖТИМОИЙ
ҲИМОЯ МАСАЛАЛАРИДА
ЯНГИЛИК ҚИЛИШ,
ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНГИ
БОСҚИЧГА КЎТАРИШ
ЗАРУРАТИ ЮЗАГА КЕЛГАН
ЭДИ.

2 САҲИФА

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ



Улугбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери
ўринбосари, ҲХДП
фракцияси раҳбари:

— Шу кунларда халқимиз билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик тарихий санасини ғурур билан нишонляймиз. Дунёда мураккаб, давлатлар ва халқларни огир синовларга дучор қилаётган воқеа-ҳодисалар рўй бераётган бир пайтда Ватанимизнинг муносиб ўрин ва мавқега эришиши осонлик билан бўлаётгани йўқ. Таҳликали замонда Конституциямиз халқимизнинг ижтимоий бирдамлиги, давлатчилигимиз мустақамлигининг энг муҳим асосларидан биридир.

Бош қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатлар таъминланиши йўлида, айниқса, кейинги йилларда улкан натижаларга эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТИ – ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Конституциямизнинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши белгиланган. Аммо, тан олиш керак, мустақиллиқнинг дастлабки йилларида, ҳатто яқин-яқингача бунинг ҳар доим ҳам имкони бўлгани йўқ. **Турли сабаблар билан кафолатланганидан бошқачароқ тартиб-қоидалар жорий этилган вақтлар ҳам кузатилди. Бу баъзида ижтимоий бирдамлик руҳининг сусайишига ҳам олиб келди.**

Масалан, Конституциямизнинг 28-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш **ҳуқуқига эга экани қатъий белгиланган бўлса-да, амалда йиллар давомида давлат бу устувор ҳуқуқни таъминлаб бера олмади.** Оқибатда минглаб фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланиб қолди. “Прописка” билан боғлиқ бу чекланиш нафақат фуқаролар, уларнинг оила аъзолари тақдирига, давлат ва жамият манфаатларига ҳам жуда салбий таъсир кўрсатди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси билан **“бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи” амалда таъминланди. Натижада минглаб юртдошларимиз ҳаётий орзу-ниятларига етиш йўлидаги сунъий тўсиқлардан қутулди.**

Асосий қонунимизнинг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани, 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли экани белгиланган. **Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги турли қийинчиликлар оқибатида жамиятда шундай бир ўта муҳтож ва заиф қатлам вужудга келдики, ҳуқуқлар бир томонда қолиб, уларнинг кун кўриши ҳам катта сўроқ остида турганди.**

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича жорий этилган таъсирчан тизим асосида хунар эгаллаш, меҳнат қилиш, уй-жойли, мулкли бўлишга чорасиз минглаб оилалар ижтимоий-иқтисодий фаол қатламга айлانмоқда.

Тақдир тақозоси билан фарзандлари билан ёлғиз қолган қанчадан-қанча аёллар, оналар давлатнинг катта қўлови ва давомли кўмаги билан уй-жойли бўляпти. Сарсон-саргардонликда қолиб, бирданига янги уйларга кўчган болаларнинг қувончини, оналарнинг қалбидан қандай ҳислар ўтганини ортиқча изоҳлашга зарурат йўқ, албатта.

Президентимиз бошчилигида юритилаётган инсонни қадрлашга йўналтирилган изчил сиёсат Конс-

титудия меъёрларининг рўёбга чиқишида ҳаётий аҳамиятга эга бўлаётгани аини ҳақиқат.

ЯНГИЛАНИШ, ЮКСАЛИШ ЗАРУРАТИ

Мустақиллик ва Конституция деярли эгизак тушунчалар. Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирида **халқимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улғу вазифининг энг муҳим асоси демократик ислохотлар экани** таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тушунчасининг мазмунини ҳам аниқ изоҳлаб берди. Янги Ўзбекистон, жумладан, **фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган, очик ва адолатли жамият** бўлиши тушунтирилди.

Юртимиз мустақил бўлган, Конституциямиз қабул қилинган даврдан бери дунёда кўп нарса ўзгарди, янгиланди. Биринчи навбатда одамлар ўзгарди, талаб, тақлифларнинг даражаси ошди. Давлатнинг масъулиятини янада ошириш зарурати юзага келди.

Шунинг учун Конституциямизни янада такомиллаштириш ҳақидаги ташаббус қўллаб-қувватланиб, яратилган қулай ва очик имкониятлар натижасида қисқа вақтда 160 мингга ақин тақлиф-мулоҳазалар келиб тушди.

Ўтган ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Респбликаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини масъул кўмиталарда такомилга етказиш жараёнини давом эттириш ҳақида қарор қабул қилди. Ҳуқуқшунос ва бошқа мутахассисларнинг таъкидлашича ҳам бу тўғри қарор бўлди.

160 мингга ақин тақлиф-мулоҳазаларни Конституциянинг сон жиҳатдан чекланган моддаларига сингдириш кенг қамровли ва чуқур ёндашувни талаб этади.

Конституция қабул қилинганидан бери қарийб 30 йил давомида аҳоли фикри, муносабати ҳозиргидек изчил ўрганилмаган. Бош қомусимизга 16 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлса, асосан давлат бошқаруви органлари фаолияти билан боғлиқ масалаларда ўзгаришлар бўлгани ҳақида фикрлар муҳим. Айниқса, **ижтимоий ҳимоя масалаларида янгилик қилиш, ислохотларни янги босқичга кўтариш зарурати юзага келган эди.**

ЯНГИ МЕЪЁРЛАР ИНСОН УЧУН...

Одамлар бугун ҳаёлий орзулар билан эмас, реал мақсадлар билан яшамокда. Улар келажақда эмас, бугун имконият ва кафолатларга эга бўлишни исташади, бу – табиий. Шунинг учун ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлар кафолатланиши жуда муҳим. Бу ҳуқуқлар асоси мустақам бўлмасдан яхши яшаб бўлмайди.

Аниқ мисолларга тўхталайлик. Конституциямизнинг 37-моддаси меҳнат ҳуқуқига бағишланган бўлиб, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши белгиланган.

Конституциявий қонун лойиҳаси мана шу модданинг ўзида жуда муҳим ўзгариш ва қўшимчалар акс этмокда. Ҳар бир янги меъёр халқаро ҳужжатлар билан асослангандир.

Хусусан, бутун дунёда меҳнат фаолиятини тартибга солиб турувчи Халқаро Меҳнат Ташкилотига Ўзбекистон ҳам аъзо. Мазкур ташкилотнинг оналиқни муҳофаза қилиш ва болалар меҳнатини тартибга солувчи конвенсиялари мавжуд, ташкилотга аъзо давлатларнинг қонунчилигида ҳам акс этиши керак.

Янгиланётган қонун лойиҳасида бу жиҳатга алоҳида эътибор берилмокда. Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатилш ва уларнинг иш ҳақини камайитириш тақиқланиши қайд этиляпти.

Ҳозирги пайтда ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги учун ишга олинмаётган, ишдан бўшатилш ёки иш ҳақи камайиши ҳолатлари учраб туради. Бу

эса ишлаш учун фарзанд кўришдан тийилишга, бошқа чеклашларга олиб келиши мумкин.

Гарчи Конституциямизда пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган бўлса-да, **бу меъёрни 30 йил давомида таъминлаш имкони бўлмади.**

Янги ислохотлар давридагина бу борада тизим яратилди, илғор тажрибалар асосида минимал истеъмол харажатлари миқдори белгиланди, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори бир неча марта оширилди. Энди бу амалиёт бевосита Конституцияда акс этиши кутиляпти. Яъни, **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши қатъий акс этмокда.** Бу билан давлатга, мутасадди вазирлик-идоралар зиммасига конституциявий масъулият юкланмокда.

Шунингдек, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, **камбағаллиқни қисқартириш чораларини кўриши белгиланмокда.**

Мана шу меъёр ҳам Конституциявий қонун лойиҳасининг муҳим ютуқли жиҳатларидан биридир. **Камбағаллиқни қисқартириш борасида бошланган изчил, шунинг билан бирга, осон бўлмаган давлат сиёсати тўхтаб қолмаслиги кафолати мустақамланмокда.**

Уй-жойли бўлиш халқимиз учун ҳаётдаги энг муҳим, энг эзгу мақсадлардан. Шу масаланинг Конституциямизда акс этиши, ўйлайманки, ҳар бир юртдошимизни мамнун қилади.

Янгиланаётган Конституцияга мувофиқ, ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгалиги олий ҳуқуқ даражасига кўтарилмокда.

Айни пайтда **давлат уй-жой қурилишини рағбатлантириши, уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шароит яратиши кафолатланмокда.** Айтиш керакки, дунё Конституцияларида бундай меъёрлар кам учрайди.

Яна бир муҳим масала. Эндиликда агар шахс суд ҳукми билан уй-жойидан айрилса, унинг зарари қонунчилик, асосийси, энди Бош қомусимизда эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш белгиланмокда.

Маълумки, Конституциямизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида экани қайд этилган.

Янгиланаётган қонун лойиҳасида давлатнинг таълим масаласидаги сиёсати кенгайтирилмокда, масъулияти ҳам ошириляпти. Жумладан, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожлантирилишини таъминлаши, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши қатъий ва аниқ кўрсатиляпти. Умумий ўрта таълим мажбурийлиги белгиланмокда.

Давлатнинг фуқаролар, келгуси авлод олдидаги улкан масъулиятини бажаришда ким асосий хизматни адо этади? Албатта, ўқитувчилар.

Бош қомусимизда бу борада халқимиз кутган ва қўллайдиган янгилик бўлиши кутиляпти. Яъни, ўқитувчиларнинг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилмокда, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши кафолатланмокда.

Юқоридаги мисоллардан бир нарса яққол сезиладики, такомиллашаётган Конституциямиз халқимизнинг бугунги ҳаёти ва эҳтиёжларига янада яқинлашмокда. Қалбдан чиққан ва қалбларга етиб борадиган меъёрлар билан бойитляпти.

Янгиланаётган Конституциямиз ҳуқуқ ва манфаатларимизни кафолатлабгина қолмай, **жамиятимизда ижтимоий бирдамлик руҳини кучайтиради.**



Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

ҲАЁТ, ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ ҚОМУСИ

— Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллигини нишонланмокдамиз. Ўттиз йил тарих учун қисқа мuddат. Лекин шу даврда юртимизда улкан ўзгаришлар, ривожланишлар, юксалишлар рўй берди.

Айниқса, сўнгги беш-олти йилда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларнинг қўлами шунчалик кенги, бунинг сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бу шиддатли ислохотлар инсон манфаатлари улуғлангани ва халқ билан мулоқотнинг янги тизими жорий этилгани билан ҳаётда ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ўтган даврда қанчалик огир ва мураккаб бўлмасин, зарур куч ва имконият, маблағ топиб, кўплаб дастур ва лойиҳалар амалга оширилди. Янги-янги корхоналар, йўл ва кўприклар, боғча, мактаб ва шифохоналар, кўплаб уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар қилиниб, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қисқаси, шу вақт ичида қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз турибди.

Янгиланаётган Конституциямиз ҳам мамлакатимизнинг узок мuddатли тараққиёт стратегиялари, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши, шубҳасиз.

Зеро, Конституциявий қонун лойиҳасида очилмик сиёсатини қатъий давом эттиришга қаратилган қоидалар ўрнатилмокда. Масалан, 67-моддада давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлаши, шунингдек, журналистлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши мустақамланмокда.

Шунингдек, халқимиз томонидан билдирилган тақлифлар, фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Жойларда сайловчиларимиз билан учрашувлар давомида фуқароларимизга Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини тушунтирганимизда, улар киритилаётган янги нормаларни тўлиқ қўллаб-қувватламокда.

Конституциявий ислохотларда жамоатчилик, хусусан, фуқаролик жамияти институтлари иштироки чинакам халқ Конституцияси гарови. Сабаби “инсон – жамият – давлат” конституциявий тамойилини амалга ошириш адолатли ва очик фуқаролик жамиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустақамлаш, унинг институтлари роли ва мавқеини ошириш билан узвий боғлиқ.

Шу жиҳатдан, сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари роли ва аҳамиятини тубдан ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилди.

Хусусан, 200 дан ортик акт, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси амалга оширилмокда. Мазкур концепция доирасида эса фуқаролик жамияти институтларига кўмак бериш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг янада такомиллаштириш йўллари белгиланди.

Янгиланаётган Конституциямизга фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш ва жамоатчилик назорати институтини янада ривожлантиришга қаратилган нормалар киритилаётгани ҳам аини мuddаодир. Қолаверса, давлат бюджетини шакллантириш ва уни ижро этиш устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш масаласи янги 122-моддада алоҳида акс эттирилмокда.

Албатта, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кафолатларини кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлашга бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зотан, улар бугунги ва эртанги кунимизга ҳар қачонгидан-да масъулият билан қарайдиган, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда ишончли ҳамкор бўла олади.

Бир сўз билан айтганда, қайсики давлатда инсон қадрини улуғласан, инсон манфаати ҳамма нарсадан ўстун бўлса, ўша давлатда тараққиёт тезлашади, ривожланиш бўлади. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотлар замирида, албатта инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари мужжасам.

ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ КАФОЛАТЛАНАДИ

Душанба куни фракция йиғилишларида бўлганимда Германия Бундестагида бўлиб қайтган депутатлардан қизиқ бир факт эшитдим. Германия Бундестаги бир йил давомида тахминан 40 тагача қонун лойиҳаларини муҳокамадан ўтказишар экан. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялли мажлисларини кузатиб борувчилар яхши биладики, ҳар бир мажлисда ўртача ҳисобда 4-5 та қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтказилади. Демак, бизнинг парламентда ўртача икки-уч ойда Германия Бундестагида бир йилда кўриладиганичалик қонун лойиҳалари муҳокама этилар экан.

Ўзбекистон ҳали ёш давлат, қилиниши керак бўлган ишлар кўп, кўзланган марра ҳам ҳозирги ўрнимиздан анча йироқда. Инсонда ҳам 30 ёш айна навқирон, ишлаб чарчамайдиган давр ҳисобланади. Шу боис жараёнлар нисбатан тезлашган тартибда кечмоқда. Германия сингари катта давлатлар узок йиллар давомида давлатчилик асослари ва қонунчилик тизимини ислох қилган. Биз босиб ўтаётган йўللардан улар анча олдин ўтишган.

6 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, ЎзДП фракцияси раҳбари Улугбек Иноятов бошқариб борди. Кун тартибидан 8 та масала кўрилди ва шундан 5 таси қонун лойиҳалари бўлди. Йиғилиш аввалида депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Таклиф этилган қонун лойиҳаси билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилишнинг уч ойлик муддатини олти ойга узайтириш назарда тutilяпти.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг суд орқали самарали ҳимоя этилишини таъминлашга, турли сабабларга кўра вақтида шикоят қилолмаган тарафларнинг суд қарори устидан шикоят қилиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси эса иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳасида коррупцияга қарши экспертиза ўтказадиган органлар ва уларнинг ваколатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупциявий омиллар, коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш тартиби ўз аксини топмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқий экспертиза доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, муҳокамаси жамоатчиликнинг норозилигига сабаб бўлган норматив-ҳуқуқий



ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси, коррупцияга қарши мустақил экспертиза каби нормалар назарда тutilмоқда.

Лойиҳада Коррупцияга қарши кураш агентлигига 7 турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ваколатини бериш назарда тutilмоқда. Депутатлар нега бу ваколат Адлия вазирлигига эмас, агентликка берилаетгани ҳақида савол берди. Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг таркибий қисми эканлиги учун шаффофликни таъминлаш мақсадида ваколат агентликка берилаетгани тушунтирилди.

Қизгин давом этган муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси маъқулланди.

Қонунчилик палатасининг мажлисида “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси 5 та боб, 34 та моддадан иборат бўлиб, унда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари белгиланмоқда.

Қайд этиш керакки, мазкур қонун лойиҳаси ЎзДП фракцияси йиғилишида муҳокама этилганда унинг эҳтиёжманд аҳоли қатламнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга, Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилгани таъкидланди.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатида фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятларини

ҳамда давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доирасини кенгайтириш назарда тutilяпти.

Қолаверса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритиш, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни инсон омилсиз электрон тизим орқали тасодифий танлаш тартибини жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга шахслар тоифасига аниқлик киритилган. Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига кирган фуқаролар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиши мумкин бўляпти. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлар реестри «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали махсус ваколатли давлат органи томонидан электрон шаклда юритилиши белгиланмоқда.

Ижтимоий ҳимоя реестрига кирган шахслар фуқаролик ишлари бўйича даъвогар ёки жавобгар, маъмурий ишлар бўйича аризачи, маъмурий жазо тури сифатида маъмурий қамоқ жазоси назарда тutilган ишлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган, жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, маҳкум бўлган ҳолларда давлат ҳисобидан юридик олиши мумкинлиги назарда тutilмоқда. Бундай ёрдамни олиш учун фуқаро мурожаат этиши лозим ҳисобланмоқда.

ХДП фракцияси аъзолари қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, унда акс этаётган меъёрларни аҳоли ва электорат вакиллари ўртасида кенг тушунтириш, тарғиб қилиш муҳим вазифа эканини қайд этишди.

Шунингдек, депутатлар фақат «Ижтимоий

ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган, деб белгиланган шахсларга юридик ёрдам кафолатланишига оид меъёрни такомиллаштириш, бу тизимдан рўйхатдан ўтиш кўп вақтни олгани учун янада енгилликлар яратилиши лозимлигига урғу берди. Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда маъқулланди.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг шаффоф тартибини жорий этиш, давлат томонидан ушбу мақсадда ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан самарали назоратни ўрнатишга хизмат қилади.

Мажлисда “Камерал солиқ текшируви тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасини Давлат солиқ қўмитаси раиси Шерзод Кудбиев тушунтириб берди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексининг 138-моддасига хусусан, ўрни қопланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси асослантирилганлигининг камерал солиқ текширувини ташкил этиш ҳамда 274-модданинг учинчи қисмига яъни, солиқнинг ўрнини қоплаш муддатларини 60 кундан 30 кунгача қисқартирилиши назарда тutilмоқда.

Солиқ қўмитаси бу билан ўзига берилган муддатни ўзининг ташаббуси билан қисқартирмоқчи. Бу қайсидир маънода қувонарли, чунки белгиланган муддатдан олдин вазифани бажаришни ҳар қандай ҳолатда ҳам ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Депутатлар ҳам мазкур лойиҳага ижобий муносабат билдириб, бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

Мажлисда депутатлар иккита парламент сўровига берилган жавобларни кўриб чиқишди. Биринчиси, “Худудларда Ёшлар технопаркларини янада ривожлантириш, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Инновацион ривожланиш вазири И.Абдурахмановнинг жавоби муҳокама қилинди.

Иккинчиси, “Худудларда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парклари, рақамли технологиялар ўқув марказларини янада ривожлантириш, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Шерматовнинг жавоби кўриб чиқилди.

Мажлисда депутатлар парламент сўровига юборилган жавобларни атофлича муҳокама қилиб, уларни маълумот учун қабул қилди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ФУҚАРОЛАР ТУШУНМОҚДА, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА



Дилором ИМООВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

тараққиёт стратегияси, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ва ишончли кафолат бўлади. Зеро, Ўзбекистон халқи Конституцияга киритиш таклиф этилаётган янги норма ва қоидаларни моҳиятини ҳис қилиб, режалаштирилаётган сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб, ўзининг ҳолис ва ҳаққоний муносабатини билдириб келмоқда.

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича кенг жамоатчиликдан, жумладан, ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқаролик жамияти институтлари ва миллий-маданий марказлар, сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллалар аҳолисидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан минглаб таклифлар келиб тушгани ва тушаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Бу эса халқимиз Конституциямиз ва қонунларимиз такомиллашишдан манфаатдор эканлигини намоён этмоқда.

Мана шундай шуқуҳли кунларда барча юртдошларимизни, сайловчиларимизни ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати бўлган Конституция куни билан чин қалбимдан табриклайман.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ ЗАРУР

Ўзбекистонда гендер зўравонликка қарши 25 ноябрдан 10 декабргача 16 кунлик кампания бўлиб ўтмоқда. 6 декабрь куни “Tashkent city congress hall” марказида Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмағида “Зўравонликка қарши курашни институционализация қилиш. Медиада гендер таъсирчан образларни яратиш” мавзусида тажриба ва билим алмашишга бағишланган халқаро конференция ўтказилди.

Гендер тенглик ҳақида гап кетганда, жамиятимизда агрессив фикрлайдиган инсонлар ҳам топилади. Уларнинг фикрича, аёл уйда ўтириб қирларни ювиб, болага қараб, овқатни қилса, кифоя. Аслида бу муносабат тарихимиздан шаклланган, лекин бугунги кун ислохотни талаб қилимоқда. Биз гендер тенгликка нисбатан ёндашувни тўғри олишимиз керак. Гендер тенглик таъминланган замон ва макондаги аёллар иқтисодий ва руҳий босимлардан озод ҳолда эркин шахс сифатида ўзлигини намоён қилади. Эркин шахсларда одатда фикр эркин ва соғлом бўлади.

Халқаро конференцияда БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женевадаги ваколатхонаси Бош директори Татьяна Валовая, Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ижро этувчи аппаратининг шўъба мудири Саида Мирзиёева, БМТ доимий координатори вазифасини бажарувчи ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколат-

хонаси раҳбари Шарлотта Адриан, давлат органлари ва нодавлат сектор вакиллари, халқаро ташкилотлар экспертлари, шунингдек, ОАВ вакиллари, блогерлар иштирок этди.

Оилавий зўравонликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти ташкилотлари фаолиятлари, гендер тенглиги масалаларини институционализация қилиш, Медиада гендер таъсирчан образларни яратиш” мавзусида тажриба ва билим алмашишга бағишланган халқаро конференция ўтказилди.

Саида Мирзиёева охириги йилларда кўплаб ишлар қилинганига қарамай, гендер зўравонлик борасида арзигулик ўзгариш йўқлиги, эндиликда зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига фақат аёллар эмас, биринчи навбатда давлатнинг ўзи қарши эканлигига урғу беришимиз, аёл ўз дарди билан ёлғиз қолиб кетмаслиги кераклиги, оиладаги зўравонликни росмана жиноят деб баҳолаш вақти келганини, буни таъминлаш тегишли идора ҳамда вазирликлар, нодавлат сектор ва ОАВнинг биргаликдаги фаолиятини талаб этишини таъкидлади.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Шарлотта Адриан гендер зўравонликка қарши курашда қонунларни такомиллаштириш, парламент билан ҳамкорлиқни кучайтириш муҳимлигини қайд этди. У, шунингдек, давлат бюджетини муҳокама қилиш жараёнларида гендер масаласига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилишини таъкидлади.

Халқаро конференцияда маҳаллий ва халқаро экспертлар ўз фикр-мулоҳазалари, тавсияларини берди.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛАРГА ҲАЙФСАН БЕРИЛДИ

Энергетика вазирлигида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, прокуратура органлари ҳамда тизим қорхоналари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича тузилган махсус штабнинг навбатдаги йиғилиши

бўлиб ўтди.

Унда ҳозирги кунда энергия ресурслари таъминотидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ёчимлари, бу борада олиб борилган ишлар танқидий кўриб чиқилди. Камчиликларга йўл қўйганлиги учун “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси Дадажон Исакулов, “Ху-

дудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Рўзқул Раҳимов, “Қашқадарь худудий электр тармоқлари қорхонаси” филиали директори Анавар Музаев ва “Тошшаҳарнур” ДУК директори Умидбек Ражабова ҳайфсан берилди.

Энергетика вазирлиги
Матбуот хизмати.



Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман):

— Бир мурожаат ортида бир инсон тақдирини бўлса, мурожаатлар таҳлили соҳалардаги тизимли масалаларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) номига келиб тушаётган мурожаатлар мунтазам таҳлил қилиниб, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бугунги кун талабига мос равишда такомиллаштирилиши бўйича таклифлар тайёрланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, қонунларнинг қай даражада ишлайётганини ўрганишнинг энг муҳим мезонларидан бири фуқаролар мурожаатларини таҳлил қилишдир. Шу кунга қадар ҳам Омбудсман ўз таклиф ва тавсияларини ишлаб чиқиб, тегишли ташкилот ва идораларга киритиб келган.

Қайд этиш лозимки, янгиланаётган Конституциямизда Омбудсман институтига ҳам қонунчиликка таклифлар киритиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид энг самарали таклифлар айнан Омбудсманнинг мурожаатлар билан ишлаш бўйича қўндалик амалиётида, аҳоли, давлат ва нодавлат ташкилотлари, суд ҳокимияти ва экспертлик ҳамжамияти билан бевосита ҳамкорлигида шаклланади. Бу борада

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИДА ЯШИРИНГАН ҲАҚИҚАТЛАР

ечимини қўтаётган муаммолар ҳам айнан шу жараёнда юзага чиқади. Шу нуқтаи назардан Омбудсман институтининг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти янада қучайтирилади.

Омбудсманга келиб тушган мурожаатлар статистикаси таҳлиliga кўра, жорий йилнинг **11 ойи давомида** вакилга 11394 та мурожаат келиб тушган. Шундан 1371 таси жисмоний ва юридик шахслардан тўғридан-тўғри Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги минтақавий вакилларига юборилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Омбудсман мурожаатчиларнинг фақатгина **мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини** кўриб чиқади ва ўз текширувини ўтказади. Лекин у суднинг ваколати доирасига қирадиган масалаларни кўриб чиқмайди. Бу Омбудсман фаолиятини тартибга солувчи қонунда аниқ белгилаб қўйилган.

Омбудсман томонидан жорий йилнинг 11 ойи давомида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича 121 та таъсир чоралари қўлланилди. Бунда давлат органлари ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига 19 та тақдимнома ва 35 та вакил ҳулосаси ҳамда судларга 67 та ариза ва даъво аризалари киритилди.

Омбудсман қотибяти ҳодимлари суд мажлисларида 42 марта қузутовчи сифатида иштирок этишди. Шундан жиноят ишлари бўйича суд мажлисларида 8 марта, маъмурий ишлар бўйича суд мажлисларида 2 марта ва фуқаролик ишлари бўйича

суд мажлисларида 32 марта қатнашилган.

Мурожаатларни ўрганиш, маълумотлар тўплаш, таъсир чораларини қўллаш, суд жараёнларида қузутовчи сифатида иштирок этиш давомида йўл қўйилаётган баъзи қонунбузилиш ва қонунларни четлаб ўтиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлар билан боғлиқ мурожаатлари таҳлил қилинганда, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ташкилот томонидан бузилганлик ҳолатлари қузутилди. Жумладан, фуқароларнинг меҳнат шартномалари иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган ҳолатларда меҳнат қонунчилиги талабларига амал қилинмаганлиги, фуқароларнинг иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги, шунингдек, ҳодимларнинг ишга тикланиши суд қарорлари билан белгиланган бўлса-да, иш берувчи томонидан суд қарорларининг бажарилмаслиги ёки асоссиз равишда кечиктириб бажарилиш ҳолатлари қузутилган.

Омбудсман томонидан меҳнат муносабатларига оид қўлланилган таъсир чоралари натижасида 2022 йилнинг **11 ойи** давомида фуқароларнинг иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ тўловлар бўйича **225,4 млн.** сўмдан ортқ маблағ ундирилган, **10 нафар** фуқаро ишга тикланган ва **5 нафар** фуқаро иш билан таъминланган.

Инсонларнинг яшаш тарзи ва кайфияти бевосита уларнинг бандлиги, иш ҳақини ўз вақтида олиши, бир сўз билан айтганда, меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши билан боғлиқдир. Ўйлаймизки, иш берувчилар

қўл остидаги ҳодимлар ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари ва ўз мажбуриятларини қонунчилик асосида амалга ошириши лозим.

Ҳозирги кунда аҳолининг ҳуқуқий хабардорлиги анча ошиб, улар ижро ҳокимияти ва идоралари устидан Омбудсманга мурожаат қилишлари мумкинлигини яхши билишади. Омбудсман эса фуқароларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш бўйича таъсир чораларидан фойдаланади.

Шу нуқтаи назардан ишга тиклаш бўйича суд қарорларини вақтида ижро этмай келаётган айрим мансабдор шахслар ушбу ҳаракатсизлик орқали конституциявий нормаларга, қонун устуворлиги тамойилига нисбатан беҳурматлик қилаётганини англаши зарур.

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида **Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан суд қарорларини ижро этмаётган ташкилотлар ҳақидаги маълумотларни парламент назорати субъектларига тақдим этиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.**

Қайд этиш лозимки, фуқаролар ва жамоатчилик таклифлари асосида қонунчилик базаси такомиллаштирилиб борилмоқда. Янги тахрирда қабул қилинган ва 2023 йилнинг апрель ойида қучга қирадиган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси сўзимизнинг яққол тасдиғидир.

Амалдаги меҳнат қонунчилигига кўра, ҳодим пенсия ёшига тўлганда ва ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганда, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига билан бекор қилиниши мумкин.

Сир эмас, мамлакатимиз аёлларининг меҳнатсеварлиги ва ўз ишига меҳр қўйгани сабабли баъзилар 55 ёшдан кейин ҳам ишлашни хоҳлашади. Омбудсманга юборилаётган пенсияга оид мурожаатларда аёллар 55 ёшдан сўнг иш берувчи томонидан бўшатилаётганликларидан шикоят қилишган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги Қарориди 2019 йил 1 майдан аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли, улар билан тузилган меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланиши белгилаб қўйилган. Қонунчиликдаги ушбу муносиблик янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексиди бартараф қилиниб, пенсия ёшига тўлган ҳодим билан тузилган меҳнат шартнома иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши тақиқланди.

Қайд этиш лозимки, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан парламент қуий палатасига шахсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларнинг суд орқали ҳимоя қилиниши, суриштирув ва дастлабки тергов ишларининг кўриб чиқилиши жараёнида инсон ҳуқуқларининг таъминланишига оид қатор таклифлар киритилди.

Ўйлаймизки, фуқаролар мурожаатларида қўтарилган масалаларни тизимли ҳал этишга қаратилган ушбу таклифлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ва “Инсон қадри учун” тамойилига асосланган ислохотларнинг мантикий давоми бўлади.

ТУРКИЙ ДУНЁ ХАЗИНАСИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИДАГИ ЎРНИ

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДУНЁДА ДЕЯРЛИ ЎХШАШИ ЙЎҚ ТУЗИЛМА. ТЕЗ ЎЗГАРИБ КЕТАЁТГАН ОЛАМДА ЎРНИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ИМКОНЯТИДАН ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ҚАНЧАЛИК ФОЙДАЛАНА ОЛАДИ? БУ ЖУДА МУҲИМ, ЖАВОБИ ҚИСҚА МУДДАТДА ТОПИЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН САВОЛ. ШУНИНГ УЧУН ТДТДА ҲАР БИР АЪЗО ВА ҚУЗАТУВЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ФАҚАТ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ БОР. ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ЎЗАРО РАҚОБАТЛАШМАЙДИ, БИР-БИРИНИ ТЎЛДИРАДИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ ДОЦЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ, СИЁСЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ СУҲРОБ БЎРОНОВ ФИКРЛАРИ АСОСИДА ТДТДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҲАМИЯТИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ.



Ҳар бир давлатнинг қудрати ва салоҳияти унинг нуфузли ташкилотлардаги фаолияти ва роли билан белгиланади. Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) шундай нуфузли ташкилотлар сирасига қиради.

Жорий йилнинг 11 ноябрь санасида Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилоти илк саммитига мезбонлик қилди. Шубҳасиз, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги жозибаси Самарқанд шукӯҳи билан сайқал топтомоқда. Бу саммитнинг ўзига хос геосиёсий ва геомиктисодий хусусиятлари ҳам мавжудки, бу халқлар ўртасида тинчлик, барқарорлик ҳамда ҳамкорликка даъват этувчи “Самарқанд руҳи”ни ўзида мужассам этади.

Зеро, йирик кучлар ўртасида янги дунё тартиботи учун жиддий кураш ва сиёсий ўйинлар тобора авж олмоқда. Бундай шароит ўз-ўзидан жаҳон савдо бозоридидаги молиявий-иқтисодий беқарорлиқни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабдан жаҳон сиёсатида сиёсий вазиона эга бўлаётган Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ўзаро ҳамжиҳатлик алоқаларини юксалтириш, хусусан, минтақавий ва глобал масалаларда умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш, ташкилот бирдамлигини мустаҳкамлаш мақсадлари ҳаётий заруратга айланмоқда.

160 миллиондан ортқ аҳолига эга бўлган туркий дунё учун Ўзбекистон ниҳоятда муҳим,



ўз навбатида Ўзбекистон учун ҳам туркий дунё алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, туркий дунё тарихи ҳамда таммаддунида Ўзбекистоннинг алоҳида ва беқиёс ҳиссаси бор. Бунни қўйидагича таҳлил этиш мумкин.

Филолог олимларнинг қайд этишича, ўзбек тили барча туркий тилли халқлар учун мулоқот ва ўзак тил вазифасини бажариши мумкин. Ўзбек тилида сўзлашганда барча туркий халқлар бемалол бир-бирини тушуна олади. Интернетдаги ва турли адабиётлардаги маълумотларга асосланган ҳолда, айтиш мумкинки, туркий тилда сўзлашувчи халқлар сони тахминан 200 млн. нафарни ташкил этади. Ўзбек тилида сўзлашувчилар сони 60 млн. нафардан ортқ бўлса, демак, ўзбек тилининг туркий дунёдаги салмоғини муҳим, деб ҳисоблаш ўринли.

Ўзбеклар нуфус ўлароқ ҳам туркий маконда кўпчилиқни ташкил этади. Хусусан, ташкилот доирасида қараганда Ўзбекистон аҳолиси Туркиядан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Қолаверса, мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида энг кўп аҳолига эга давлат. Бу эса минтақанинг туркий дунёга очилишида муҳим кўрсаткичдир. Шунингдек, туркий дунёдаги ҳар бир ҳудудда кўп сонли ўзбекларни учратиш мумкин.

Жаҳон илм-фани равнақиға унутилмас ҳисса қўшган буюқ мутафаккирларимиз Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа шу сингари буюқ олимлар туркий дунёни илм, маърифат билан бирлаштирган, деб айтсак муболага бўлмайди. Улар Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона, Андижон ва бошқа кўҳна масканларда ижод этгани билан туркий дунёда алоҳида эътирофга сазовор.

Шу жиҳатдан ТДТда Ўзбекистоннинг ўрни ва мавқеи мустаҳкам бўлиб, ташкилотга аъзолик стратегик манфаатларимизга тўла мос келади. Назаримизда, Ўзбекистоннинг ТДТ оиласи таркибида бўлиши, ҳоссатан фаол ҳамда та-

шаббускор акторга айланиши учун бир қатор асослар мавжуд.

Биринчидан, туркий дунё ягона дин, тил, тарих, муштарак маданият, биродар халқлар уйғунлиги майдонидир. Бу бизнинг нафақат тарихий, балки азалий уйимиздир.

Иккинчидан, аъзо давлатлар ўртасида бир-бир муаммо ёки келишмовчилик йўқлиги ТДТнинг бошқа ташкилотлардан афзаллигини кўрсатиб беради. Қолаверса, ташкилотнинг барча аъзолари халқаро ва минтақавий кун тартибига оид долзарб масалалар бўйича муштарак ёки яқин яқдил қараш ва позицияларга амал қилади. Бу эса турли соҳага оид Ташкилот қарорларини биргалиқда қабул қилиш ва фаол ҳамкорлик қилиш учун тўсиқлар бўлмаслигини кўрсатиб беради.

Учинчидан, Ўзбекистон географик жиҳатдан ҳар томонлама ёпиқ ва денгизга бевосита чиқа олмайдиган давлат эканлиги барчага маълум. Туркий дунё орқали Ўзбекистоннинг жаҳон денгиз бандаргоҳлари ва бозорларига чиқиш имкониятлари сезиларли даражада ошади. Қиёслайдиган бўлсак, энг яқин денгиз йўлига олиб чиқадиған жануб томон йўлида Афғонистондаги номавҳум вазият ёки стратегик беқарорлиқнинг давом этиши, шимол томондан турли шартлар қўйилиши, қолган бошқа томонлардаги масофавий ва айрим геосиёсий тўсиқларнинг мавжуд эканлиги Ўзбекистонни туркий дунё сари янада яқинлаштиради.

Бинобарин, ташкилот аъзолари билан ҳамкорликда “Боку — Тбилиси — Қарс” (“БТК”) темир йўли билан боғлиқ Транскаспий транспорт йўлагини ривожлантиришга эътибор қаратишмоқда. Мамлакатимизнинг мазкур лойиҳага қўшилиши Европа давлатларига юк транзитини ташкил этиш бўйича ишларни фаоллаштиришга хизмат қилади. Бу “Тошкент — Туркманбоши порти — Ахалкалаки — Қарс” йўналишида Осиёни Европа билан боғловчи “Мармарай” туннелига чиқиш, деганидир.

Давлатимиз раҳбарининг ТДТ Самарқанд

саммити олдидан Туркменистонга ташрифи ҳам юқоридаги стратегик вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Шундай экан, ташкилотга аъзо давлатлар билан транспорт-коммуникация соҳасида ҳамкорлик қилиш савдо-иқтисодий шериклар доирасини кенгайтириш бўйича ташқи иқтисодий мақсадларига мос келади. Ўз навбатида, **истиқболда “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” йўлагини “БТК” билан боғлаш тарихий Буюқ Ипак йўлини тиклаш учун муҳим туртки бўлиши мумкин.** Ушбу лойиҳаларда Ўзбекистон минтақавий хаб вазифасини ўташ учун етарли салоҳиятга эга.

Дарҳақиқат, туркий дунё интеграцияси мамлакатимиз учун дунёнинг асосий ва минтақа бозорларига чиқиш имконини беради. Тўртинчидан, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг геосиёсий ядроси ҳисобланади. Мамлакатимиз Марказий Осиё давлатларининг барчаси билан умумий чегарага эга минтақада ягона давлатдир. Бундан ташқари, ушбу геосиёсий маконда фақат Ўзбекистон турли куч марказларининг бевосита таъсиридан табиий муҳофазаланган давлат ҳамдир. Аниқроқ қилиб айтганда бўлсак, Ўзбекистон минтақада Россия, Хитой, Эрон сингари куч марказлари билан бевосита чегарага эга эмас. Бундай геосиёсий мақом параллел равишда Ўзбекистон зиммасига йирик ва минтақавий қучлар мувозанати ва ўзаро барқарорлиқни таъминлаш масъулиятини ҳам юклайди. Табиийки, ТДТ шундай геосиёсий мувозанатда муҳим ўрин эгаллайди.

Бешинчидан, Ўзбекистон жаҳон илм-фани ва маданий-маърифий тараққиётга улкан ҳисса қўшган интеллектуал салоҳият ўлкасидир. Шунингдек, мамлакатимиз туркий халқлар ва ислом оламнинг цивилизация бешикларидан бири саналади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент маданиятларининг цивилизацияон таъсири ўтмишда ҳудудлардан ташқарида ҳам анча кучли бўлган. Жумладан, Ўзбекистонда туркий дунёнинг маданий ва маърифий тарихини ўзида мужассам этган ноёб илмий-маданий меърос мавжуд. Мамлакатимиз учун ТДТ шундай бетакрор ўтмиш маданиятини истиқболда тиклаш йўлида катта рол ўйнайди. Айниқса, 2020 йил Хива шаҳри – Туркий дунё маданияти пойтахти, Бухоро шаҳри – Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши шундай қадамлардан бири бўлди.

Умуман, Ўзбекистон туркий дунё хазинасидир. ТДТнинг юксак парвоз қилишида Ўзбекистон, ҳеч шубҳасиз, қанот бўла олади. Азалий қадриятлар уйғун бўлган туркий маконда ўзаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, турли қақирқ ва таҳдидларга қарши муштарак мулоқот, ташкилот доирасидаги конструктив ва прагматик ташаббусларни амалга ошириш мамлакатимизнинг ташқи сиёсий нуфузи учун фавқуллода муҳим аҳамиятга эга.

Суҳроб БЎРОНОВ
Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти вазифасини бажарувчи,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

DO‘STLIK



t.me/uzbekiston_ovo

ДУНЁ СОНИЯ САЙИН ЎЗГАРЯПТИ,
ҲОЗИР ЭСКИ МУАММОЛАРГА
ЎРАЛАШИБ ЎТИРАДИГАН ЭМАС, ЯНГИ
ЙЎЛ ВА ИМКОНияТЛАР ТОПАДИГАН
ДАВР. ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН
ЧЕГАРА ҲАМДА АНДИЖОН СУВ ОМБОРИ
БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ
УЗИЛ-КЕСИЛ ҲАЛ ҚИЛИБ, ЭСКИ,
ОҚИБАТИ ОҒИР МУАММОЛАРДАН
БУТУНЛАЙ ҚУТУЛМОҚДА, ЎЗБЕК ВА
ҚИРҒИЗ ДЎСТЛИГИ, ҚАРДОШЛИГИНИНГ
ЯНГИ УФҚЛАРИ ОЧИЛЯПТИ.

ПРЕЗИДЕНТЛАР ИРОДАСИ,
БАҒРИКЕНГЛИГИ МУЗЛАРНИ
ЭРИТИШДА АСОСИЙ КУЧ БЎЛДИ. ИККИ
ДАВЛАТ, ИККИ ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ
ОЖИЗ НУҚТА ЭНДИ ЙЎҚ, ЧЕТДАН
ТУРИБ ТИҒ САНЧИЛАДИГАН ЯРАЛАР
ЭНДИ ТАМОМ БИТЯПТИ.

МУЗ ЭРИДИ

Ер билан боғлиқ масалаларнинг тарозиси йўқ. Бунда фақат томонлар учун манфаатли ҳамда маъкул йўлни топа олиш, муштарак мақсадларни бирлаштира олиш зарур.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги келишувлар жуда аниқ.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги келишувлар жуда аниқ. Саволларга ўрин қолмаган. 1924 йилда Ўзбекистон ташкил топган бўлса, то шунгача ҳам ўзбек-қирғиз чегараси билан боғлиқ кўплаб баҳсли, тортишувли мунозаралар кузатилган. 1956-61 йилларда икки давлат ўртасида ҳуқуқат комиссияси тузилган, чегара бўйича бир тўхтамга келишнинг имкони бўлмаган. Худди, шунингдек, 1961-63, 1985-88 йилларда ҳам комиссия якуний қарор қабул қила олмаган. Икки давлат чегара чизигини 1476 километр, деб оладиган бўлсак, у тўлиқ охирига етмаган. Муस्ताқилликка эришилгандан кейин ҳам мунтазам музокаралар ўтказилган.

Президентимиз 2017 йил 5 сентябрда Қирғиз Республикасига ташрифидан кейин ушбу масалага ечим топиш бўйича қатъий қарорга келиш зарурлигини таъкидлайди. 1170 километр бўйича шартнома имзоланди. Қолган 302 километрдаги 35 та ҳудуд жуда оғриқли нўқталар бўлиб келди.

Ҳукуматимиз делегацияси бир неча бор қўшни давлат билан музокаралар ўтказди. Наманган вилоятининг Чуст, Поп туманида жойлашган “Говасой” участкаси, Андижон сув омбори, Сўх, Шоҳимардон каби эксклав ҳудудлар ҳамда “Чашма бўлоғи” атрофида баҳслар кўп бўлган. Масалан, “Чашма” бўлоғи атрофида икки халқнинг сув талашishi оқибатида бир неча бор можаролар рўй берган. Натижада Сўх туманига олиб чиқувчи йўллар бир неча бор ёпиб қўйилган.

Андижон сув омбори 1965-80 йилларда қўрилган. Ушанда Қирғизистон томони 5700 гектардан ошиқ ер майдонини сув омбори учун ажратиб берган. Архив маълумотларга кўра, Ўзбекистонга бир неча мажбуриятлар юклатилган. Яъни, 200 километрдан ошиқ масофага эга бўлган «Кампиробод» чап қирғоқ каналини қуриш кўзда тутилган бўлиб, ушбу масала ечимсиз қолиб кетган. Натижада Қирғизистоннинг Баткен вилояти ҳудудидаги 8 минг гектар ерни ўзлаштириш керак эди. 50 йилдан буён турли сабаблар билан қолиб кетган бу масалага одилона ечим топиш керак бўлди. Ушбу масала ҳал этилди. 12700 гектардан ортиқ ер майдони ажратилди. Асосийси, бир неча ўн йилликда ҳал бўлмаган тортишув, келишмовчилик барҳам топди.

Натижада Андижон сув омбори сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. 2,5 миллион тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, 8 мингга яқин фермер хўжаликларини сув билан узлуксиз таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Сув омборининг сиғими ҳажмидан келиб чиқадиган бўлсак, водий вилоятларининг 200 минг, Қирғизистоннинг 25 минг гектарга яқин ер майдонини сўғоради. Қолаверса, омбордан чиқаётган сув Қорадарё, Сирдарёга қўйилиб, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг экин майдонларини сўғоришга ҳам ёрдам беради. Келгусида Андижон вилояти аҳолисини тўлиқ ичимлик

суви билан таъминлаш имконини ҳам яратади.

Шу билан бирга, омборнинг тўғон қисмида иккита ГЭС жойлашган бўлиб, йилига тахминан 570 миллион киловат соат электр энергия ишлаб чиқаради ва бу 800 минг аҳолини узлуксиз таъминлаш учун етарли ҳисобланади.

Қирғизистон Президентининг фикрича, чегара масаласи ҳозир ҳал этилмаса, келажакда яна бундай қулай келишувга келиш қийин. Ўзбекистон аҳолиси кўпайиб, ерга бўлган талаб ортиб бораётгани боис бугунгидек мақбул ечим, ишончли келишувга эришиши имконияти вақт ўтган сайин камайиб, имконсиз бўлиши таъкидланади. Қўшни давлат раҳбари саволни кейинроқ қолдириш орқали 19 минг гектар эмас, 1 сотих ер учун қон тўкилиши эҳтимоли борлиги юзасидан хавотирини ҳам яширмаган. 30 йил ичида чегара муаммоси туфайли қанча одам ҳалок бўлгани ва бунди ортиқ давом эттириб бўлмаслиги қатъий таъкидланган. Унинг фикрича, ер берилмайди, аксинча, келишув асосида томонлар ўртасида айрибошлаш қилинади ва ҳар томонлама манфаатли тўхтамга келинган.

Ярим асрдан буён келишмовчиликларга сабаб бўлган масала узил-кесил ҳал этилди ва бунда ҳеч қандай кескин тўқнашув ёки можаро юзага келмади. Айниқса, бу ер юзидаги таҳлика ва зиддиятлар авж олган, ён қўшниллар урушаётган, қишлоқ ва шаҳарларини ўққа тутаетган бир даврда муҳим тарихий ютук бўлди.

Ушбу битим ва шартнома туркийларнинг бирдамлиги, дўстлиги, қардошлигини намойиш этади. **Бу ҳаракатлар ер юзида ҳамон инсонийлик борлиги, одамлар бир-бирига ҳурмат, меҳр кўрсата олишидан далолат беради. Авлодлар алмашади, асрлар ўтади, лекин ушбу келишув икки халқ тарихида мангу қолади.** Чунки чегара билан боғлиқ саволлар исталган пайтда кўтарилиб, исталганда ёпиб қўйиладиган масала эмас. Эзгуликка, яхшиликка, тинчликка хизмат қиладиган келишувлар дунёга ўрناق бўла олади.

Қамолитдин ҒАПИРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Бу бир парчагина қоғоз ёки бир неча банддан иборат шартнома эмас. Бу тарихан илдизи бир бўлган, бир ариқдан сув ичган инсонлар ўртасига йиллар давомида ниқоқ солишга бўлган уринишларнинг чиппакка чиқишини аңглатади. Ёшим 73 да бўлса, тўғон қурилиши талабалик йилларимга тўғри келган, ўша пайтда биз ҳам сув омборининг қурилишида иштирок этганмиз. У пайтларда қирғиз ёки ўзбек деган гап бўлмасди, бир халқ эдик, бир-биримизга бир аждоднинг авлодлари сифатида қараганмиз.

Тўғон битди. Омбор сувга тўлдирилди. Аммо вақти-вақти билан экинларимизнинг ҳаёт манбаи тўсилиб қолар эди. Можаролар, норозиликлар, сувнинг эгаси ким, деган тортишувлар юзага келарди. Аслида сувнинг ҳам, тоғларнинг ҳам, табиатнинг ҳам эгаси ягона. Бироқ одамлар кўр-кўрона ёмон ниятли кишилар гапларига ишониб, ҳаракат қилган экан. Бугун ҳал қилса

» **Бугун яна қадимий муносабатлар тикланди. Иттифоқ давридан ёмон мерос сифатида сақланиб келган тушунмовчиликларнинг ечими кўпроқ оддий халқнинг елкасига шамол тегишига сабаб бўлди. Чегараларимиз қайта очилди, виза масалалари ҳал бўлди. Тўғри, йиллар давомида бу муаммо кўтарилди, бироқ ечими топилмай қолаверди. Чегара олди ҳудудларида яшайдиган халқнинг турмуш тарзига, керак бўлса, давлатларимиз ўртасидаги алоқаларга ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Бир сўз билан айтганда, бугун адолат тикланди, баҳсларга узил-кесил нўқта қўйилди.**

бўлар эканку, демоқда ҳамма. Ўзимнинг мисолимида айтадиган бўлсам, бир куёвим қирғиз, яна бири тожик. Водийдаги кўплаб хонадонларда ана шундай турли миллат вакиллари қўда-анда, қариндош бўлиб кетган. Бу меҳр-оқибат кўрсатишга, қадрлашга тўсқинлик қилмайди. Йиллар давомида турли тўқнашувларга сабаб бўлган ғараз ниятли кучлар муносабатларимизни бузишга уринди. Афсуски, айримларимиз уларнинг домига ҳам тушган бўлишимиз мумкин. Аммо ҳеч бир куч асл ҳақиқатга, илдиэларимизга болта уролмади.

Бугун яна қадимий муносабатлар тикланди. Иттифоқ давридан ёмон мерос сифатида сақланиб келган тушунмовчиликларнинг ечими кўпроқ оддий халқнинг елкасига шамол тегишига сабаб бўлди. Чегараларимиз қайта очилди, виза масалалари ҳал бўлди. Тўғри, йиллар давомида бу муаммо кўтарилди, бироқ ечими топилмай қолаверди. Чегара олди ҳудудларида яшайдиган халқнинг турмуш тарзига, керак бўлса, давлатларимиз ўртасидаги алоқаларга ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Бир сўз билан айтганда, бугун адолат тикланди, баҳсларга узил-кесил нўқта қўйилди. Бу ишга қўл урганлар эзгуликнинг йўлини қайта очди ва икки халқнинг миннатдорлигига сабаб бўлди.

Одилжон КАРИМОВ, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси: — 2016 йилги рақамларга қарасак, мамлакатимизда қирғиз капитали иштирокидаги 49 та корхона фаолият юритган. Давлатлар ўрта-

сидаги товар айланмаси эса атиги 1967 миллион долларга тенг бўлган. Ўша пайтларда ўзбек-қирғиз халқи ана шундай кўрсаткичларга кўниккан, хаттоки бир-бирига дўст кўзи билан қарашга ҳам шубҳа қила бошлаган эди. Ташқи кучларнинг таъсирида совуқлашган муносабатлар секин-аста душманликка қараб кетаётган ватқлар ҳам бўлди.

2017 йилнинг октябрида имзоланган декларация эса икки давлат ўртасидаги стратегик муносабатларни мустақкамлаш, тарихий алоқаларни тиклаш йўлидаги муҳим ҳужжат вазифасини бажарди. Декларацияда белгиланган масалалар қоғозда қолиб кетмай, фаоллик билан амалиётга кўчди. Натижада тез орада бу ўзининг ижобий кўрсаткичлари билан намоён бўла бошлади.

Мисол учун, ўзаро савдо кўрсаткичлари ошиб бормоқда – йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард долларга етди. Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт фонди ўз фаолиятини бошлади, саноат, энергетика, электротехника, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларда бир қатор кооперация лойиҳалари биргаликда амалга оширилмоқда. 6 йилда юртимиздаги қирғиз капитали иштирокидаги корхоналар 300 га яқинлашди. Бу ҳали бошлади.

Президент имзолаган икки тарихий ҳужжат эса давлатларимиз ўртасида ечими йўқ масаланинг ўзи йўқлигини, ҳар қандай вазиятда ҳам халқларимиз дўстлиги, мамлакатларимиз ҳамкорлиги узилмас ришталар билан боғлиқлигининг ёрқин намунасини ифодалаб берди.

Алмазбек АКМАТАЛИЕВ, Қирғизистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси ректори:

— Агар ушбу муаммолар собиқ иттифоқ пайтида юзага келган, деб баҳолайдиган бўлсак, негадир аввалги президентлар бошқарувида ҳам ечилмади. Лекин бугун ҳал этиладиган пайти экан. Менимча, Садир Жапаров ҳамда Шавкат Мирзиёев ўзаро бир-бирларини тушундилар. Бугун ана шу тарихий воқелик, кўп йиллик муаммолар ечимининг айна вақти экан.

Ўзбекистонлик ҳамкасбларим шуни билишини истардимки, бу қарорга келиш учун бизда жуда кўп тортишувлар, дебатлар бўлди. Бунди тушунса бўлади. Гап чегара, сув ресурслари ҳақида кетмоқда. Аммо давлат раҳбарининг маҳорати шундаки, у халқни, ўз парламентини тарафдорлари ва қарама-қарши томонни бу жуда долзарб эканига ишонтира олди.

Меҳмет САЙФЕТТИН ЭРОЛ, Анқара инқироз ва сиёсий таҳлил маркази директори: — Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасини белгилаш ҳамда «Кампиробод» сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги битимларнинг Ратификация қилиниши билан боғлиқ қонунлар фақатгина ўтмишдаги муаммоларни ҳал қилишни аңглатмайди. Битим минтақавий тараққиёт ва хавфсизликка ҳисса қўшади. Шу билан бирга, икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни йўл-

га қўйиш ва ривожлантириш имконини беради. Тинчликпарварликка қаратилган бундай сиёсат дўстлик ва ҳамжиҳатликка қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ушбу келишув Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларни янада кучлироқ қилишга ундайди. Бу янги бурилиш нўқтаси туркий халқларнинг муносабатлари нақадар мустақкамланганини яна бир бор кўрсатиб берди. Зеро, муроэа қилиш, тинчлик йўли билан масалага ечим топиш ташки сиёсатдаги энг муҳим шартлардан биридир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Марказий Осиёда тинчлик шамолларининг янада кучли эсаётгани яққол кўринмоқда. Бу имзоланган шартномалар ким тинчлик ренессанси лидери эканини намоён қилди. Икки давлат ўртасида имзоланган шартномалар нафақат Тошкент – Бишкек йўналишидаги муносабатларга, балки Осиё ва Евроосиёнинг қоқ марказида жойлашган Марказий Осиёдаги тинчлик кўприкларини барқарорлаштириш ва мустақкамлашга хизмат қиладди. Минтақа фаровонлигини оширади ва хавфсизлигини кафолатлайди. Икки давлат ўртасидаги можароларни ҳал этиш тақдир ва келажак бирлигини эълон қилишдир. Чунки томонлар икки томонлама келишувни нафақат халқаро ҳуқуқ асосида, балки биродарлик қонуни асосида имзолаган. Ҳулоса қилиб айтганда, Қирғизистон билан имзоланган ҳужжатлар Тошкент маъмуриятининг тинчлик муносабати ва метин иродасининг кучли кўрсаткичидир.

Денис БЕРДАКОВ, “Элчи” ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институти жамоатчилик фонди директори:

— Бу икки ҳужжат узоқ йиллар давом этган мураккаб жараён, яъни ўзбек-қирғиз чегарасининг делимитациясига чек қўяди. Афсуски, мамлакатларимиз 30 йилдан ортиқ вақт давомида собиқ иттифоқ тузумидан қолган баҳсли ҳудуд бўйича келишолмади. Бу кўп жиҳатдан чегара савдосига тўсқинлик қилган. Тиканли симлар тортилмагани сабабли ноқонуний савдо айланмаси анчагина катта бўлган. Яъни, иккала давлат ғазнасига тегишли ўзбек-қирғиз давлатлари ўртасида маблағ тушмаган. Чегара бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар тез-тез учраб турган. Энди буларнинг барчаси ўтмишда қолди.

Икки Президент ҳамда икки парламентнинг хоҳиш-иродаси туфайли ўзбек-қирғиз давлатлари ўртасида ўзаро товар айрибошлашнинг сифат жиҳатдан ўсишига, сармовявий лойиҳаларнинг биргаликда ҳаётга татбиқ этилишига эришилади. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли каби йирик дастурлар янги логистика йўналишларининг қурилишини амалга ошириш имкониятини юзага келтирди. Мухими, бу каби ҳаётий муҳим ва стратегик жиҳатдан долзарб янгиликлар инсонлар ҳаётида ўз ифодасини топади. Турмуш даражаси ортади. Халқларимиз ўртасидаги тарихий муносабатлар яна жонланади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

JARAYON



Ички ишлар вазири матбуот анжумани ўтказадими?

КЕЙИНГИ ВАҚТДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР КўПАЙДИ. АЙНИҚСА, ҲУДУДЛАРДА СОҲА ХОДИМЛАРИГА НИСБАТАН ЭЪТИРОЗЛАР БўЛЯПТИ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КўПОЛ ТАРЗДА БУЗИЛИШИ ЁКИ БАЪЗИДА САБАБЛАРИ АНИҚ КўРСАТИЛМАГАН СИРЛИ ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИ ҲАМ ЮЗ БЕРМОҚДА. КўНГИЛСИЗ, ҚОНУНЛАРГА ЗИД ҲОЛАТЛАР ЮЗ БЕРМАСЛИГИ УЧУН ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЎЗИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЖИДДИЙ ЧОРАЛАР КўРЯПТИМИ-Йўқми, ДЕГАН САВОЛ ОЧИҚ ҚОЛМОҚДА. ВАЗИРЛИК МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРГА ИЗОҲ БЕРИШ, ОАВ ОРҚАЛИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН МУНТАЗАМ МУЛОҚОТ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА МАТБУОТ АНЖУМАНЛАРИ ЎТКАЗИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ.

Ўтган ҳафта Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ички ишлар вазирилик «ИИБ тизимида кадрлар сиёсати, маънавий-маърифий ишлар ва уларнинг натижадорлиги, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси борасида шаффофлиқнинг таъминланиши масалалари» мавзусида ўтказган матбуот анжумани тўлланиб қолган саволларга жавоб олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Анжуманда вазириликнинг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбосари Ҳамза Махсумов, ушбу департаментнинг Касбий тайёргарлик бошқармаси бошлиғи Умид Нуруллаев, Кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари Фарид Абдиев, ахборот хизмати раҳбари Шохрух Ғиёсов иштирок этди.

– Ички ишлар органлари ходимлари орасида кундалик ёхуд тунги хизмат фаолияти давомида турли бахтсиз ҳодисалар ва фуқаролар томонидан қаршилик кўрсатилиши оқибатида вафот этиш ҳамда тан жароҳати олиб ногирон бўлиб қолиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда, – дейди **Ички ишлар вазириликнинг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбосари Ҳамза Махсумов.** – Хусусан, жорий йилнинг 10 ой давомида 25 нафар ходимимиз хизмат вазифасини бажариш вақтида вафот этган. Улардан 9 нафари йўл-транспорт ҳодисасида оқибатида ҳалок бўлган. Шунингдек, ўтган вақт давомида 344 та ҳолатда хизмат вазифасини ўтаётган ички ишлар органлари ходимларига нисбатан фуқаролар томонидан қаршилик кўрсатилган. Шундан 194 та ҳолатда 258 нафар фуқароларга нисбатан прокуратура органлари томонидан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, суд ҳукмига кўра, 72 нафари жавобгарликка тортилган.

Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси” ҳам тасдиқланди. Шу боисдан бугунги кунда тизимда маънавий-маърифий ишлар концепция талаблари асосида олиб боришмоқда. Жумладан, маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишда ички ишлар органлари амалиётида илк бор 8 та вазирилик ва идоралар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Шу билан бирга, идоравий таълим муассасаларида “Ватанпарварлик асослари”, “Маънавият асослари”, “Ва-

танпарварлик тарбияси” ва “Касбий маданият” каби фанлар ўқитилиши жорий этилди.

Ички ишлар вазириликнинг тегишли буйруғи билан хизматга қабул қилишнинг мутлақо янги, шаффоф ва соддалаштирилган тизими жорий этилди. Ўтказиладиган танловларнинг шаффофлигини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида қабул комиссияси фаолиятида иштирок этиш учун жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ва номзодларнинг ота-оналари таклиф этилиши белгиланди. Шу билан бирга, тизимда бетоб ходимлар давола-ниши, ходимнинг бетоб яқин қариндошларини операция қилдириш, ортопедик оёқ кийим ва протез-ортопедик махсулотлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш, санаторий-курорт муассасаларида давола-ниш ва дам олиш, уй-жойга эга бўлиш ёки яшаш шароитини яхши-лаш, тўйлар ва дафн маросимларини ўтказиш, пул муқофоти ва қимматбаҳо совғалар бериш учун имтиёзлар жорий этилган.

САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР
– **Олмазор туманида профилактика инспектори оилавий можаро бўйича қақирув вақтида пичоқланиб, вафот этди. Бу қандай содир бўлди?**

Ушбу саволга ИИБ департаменти бошлиғи ўринбосари Ҳамза Махсумов жавоб берди:

– 30 ноябрь куни Тошкент шаҳар Олмазор туманида ўлдириб кетилган профилактика инспектори, катта лейтенант Н.Бобомуротов оила-вий можаро туфайли Ғалаба маҳалласига соат 00:50 ларда қақирилган. Хизмат вазифасини бажариш мақсадида қақирув бўйича борган профилактика инспектори машинада ўтирган вақт-да муқаддам бир неча маротаба судланган шахс, яъни аёлнинг шайри турмуш ўртоғи томонидан 2 марта пичоқ уриши натижасида ходим вафот этган. У бизнинг ходим, кечагина биз билан ишлаб турган эди. Икки нафар фарзанди бор. Оиласига нима дейишни билолмай турибмиз.

Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида шу куни Н.Бобомуротовнинг ҳаё-тига тажовуз қилган эркак қўлга олинди. 30 яшар эркак чора қўриш учун процессуал тар-тибда прокуратура органларига топширилган. Тошкент шаҳар прокуратураси ҳолат юзасидан ЖКнинг 97-моддаси (Қасддан одам ўлдириш) билан жиноят иши қўзғатган.

Публицист ва блогер Шокир Шарипов Ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов истеъфоси-ни талаб қилиб, 22 ноябрь куни пойтахтдаги Гагарин ҳайкали олдида бир кишилик пикет

уюштирганди. У Қўқон шаҳар ИИБ Вояга етма-ганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида 15 ёшли боланинг уриб ўлдирилиши сабаб пикет ўтказишга қарор қилганини айт-ганди. Унинг бу чиқиши ўнлаб маҳаллий ва хо-рижий ОАВда ёритилиб, ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлганди.

... Тизимни ислоҳ қилиш йўлидаги иш-лар бир жойда депсиниб тургани, айниқса, ички ишлар биноларидан инсонлар мур-даси чиқаётгани мени ташвишга солади, деганди публицист ва блогер Шокир Шарипов.

Анжуманда бир кишилик пикетдан Ички ишлар вазириликнинг қанчалик хабардор бўл-гани ҳақида савол берилди.

Ушбу саволга Ички ишлар вазирилик матбуот котиби Шохрух Ғиёсов жавоб берди:

– Вазиримизнинг ўзлари ҳам ижтимоий тар-моқларни доимий равишда кузатиб боради. Биз вазиримизга бу бўйича, яъни пикет ўтказил-гани ҳақида аниқ ахборот бердик. Публицист ва блогер Шокир Шарипов билан гаплаш, нима муаммоси бор экан, деб аниқ топшириқ берди. Кейин “ВВС”нинг ўзбек хизмати муҳбири билан боғландик. Журналистни аниқ қандай саволла-ри бўлса, шунга жавоб берайлик, учрашайлик, дедик. Чунки, Шокир Шарипов “ВВС”га берган интервьюсида аниқ бир масала кўрсатилмаган. Фақатгина матбуот, яъни вазирилик ахборот хиз-мати ҳақида гапирилган. Мен ҳайрон бўлдим, бу одамни илгари танимас эканмиз. У “Kun.uz” сайтини кўлумнисти экан. Бунни менга Авазбек (“ВВС”нинг ўзбек хизмати муҳбири) айтди. Авазбекка блогер Шокир Шарипов биз билан боғланишини таъкидладим. У эса боғлаб бери-шини айтди. Лекин шу пайтгача бу одам, яъни Шокир Шарипов боғланмади, гаплашмади, аниқ савол ҳам қўймади.

Ички ишлар вазири нима учун оммавий ахборот воситалари вакиллари иштироки-да матбуот анжумани ўтказмаслиги бўйича ҳам журналистлар изох сўрашди.

– Вазиримиз йилда икки марта Сенатда жамоатчилик олдида ҳисобот беради. Бу нар-са доимий равишда ёритиб борилади. Бундан ташқари, вазиримиз вилоятларга борганида, у ердаги ОАВ вакиллари саволларига ҳам жавоб беради, улар ҳам таклиф этилади. Балки, биз-нинг айбимиз бунни ёритиб бера олмаётганимиз-дир, – деди ИИБ матбуот котиби Шохрух Ғиёсов.

Журналистлар матбуот котибининг жавоби-дан қониқмаганларини билдириб, навбатдаги матбуот анжуманида шахсан вазир қатнашиши ва ОАВ вакиллариининг саволларига жавоб беришини сўрашди. Бунга жавобан “таклифла-рингизни албатта етказамиз”, деди Ғиёсов.

– ИИБ идорасида бўлган вақтда вафот этган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар нега очикланмайди?

– Ички ишлар органларида ўлим билан боғлиқ бўлган турли ҳолатлар бўлади, – дейди Шохрух Ғиёсов. – Ҳеч бўлмаса, нима сабаб-дан вафот этгани сўралади. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан бундай ҳолатларнинг ҳар бири олинади. Мана, ўша 15 ёшли боладан кейин ҳам, пробацция хизматида чиққан муқаддам судланган шахс яна вақтинча сақлаш хона-сига қайтарилган, сабаби у қонуний тартибда белгиланган талабларни бажармаган. Қайтиб келгандан кейин ўзининг камерасида юраги ёмон бўлиб, вафот этган. Бунни ўша ердагилар ҳам қўрган. Лекин биз ўзимизнинг хатомизни тушундик, бу ҳақда тезгина жамоатчиликка хабар бермаганмиз. Бундан кейин ички ишлар органларининг биносидида ёки улар билан боғлиқ бўлган ҳолатни биринчи манба сифатида эълон қилишни ўзимиз учун режа қилдик.

Шунингдек, матбуот анжуманида Президен-тимизнинг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғ-рисида”ги қарорига мувофиқ, 7 та янги имтиёз-лар амалиётга татбиқ этилгани ҳақида ҳам маъ-лумот берилди. Жумладан, 20 йил ва ундан кўп ишлаган ходимларга соғлигини тиклаш учун бир марталик компенсация тўлаш, хизматдан бўшатиладиган бошлаб 36 ой давомида собиқ ходимнинг ички ишлар органларидаги хизмат вазифаларини бажарганлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ҳаёти ва соғлиғига зарар ет-казилган тақирда, бир марталик пул компен-сацияси тўлаш ҳамда вафот этганда БҲМнинг 500 бараваригача, ўртача оғир ёки оғир жароҳат етказилганда эса БҲМнинг 300 бараваригача берилиши каби имтиёзлар жорий этилган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА ЭСДАЛИК НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ



Миллий матбуот марказида “Ўзбекис-тон Конституциясининг 30 йиллиги” эсда-лик нишонини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга мамлакатимизнинг етакчи босма ва интернет нашрлари, телевиде-ние, радио, нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров кейинги йилларда соҳа ривожига кўрсатилаётган эътибор натижасида миллий журналистика мисли кўрилмаган тарзда ўз фаолиятини йўлга қўйганини таъкидлади. Очиклик, ошқора-лик, ҳолисиқ, тезкор ва чуқур таҳлилий, танқидий ёндашув журналистлар фаолия-тида устуворлик касб этмоқда.

Конституцион ислохотлар натижасида оммавий ахборот воситалари учун ҳам кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда. Бу жиҳат-лар ахборот олишдаги монелик қиладиган ҳолатларга чек қўйиш ва зарур ҳуқуқий чоралар кўриш, оммавий ахборот восита-ларининг эндиликда жамоат назоратини амалга оширишдаги ваколати тобора кен-гайишида яққолроқ намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи кодекс лойи-ҳаси ҳам ишлаб чиқилди.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимлари байрами муносабати билан йўллаган табриги миллий журна-листикамиз олдидаги долзарб ва масъу-лиятли вазифаларни белгилаб бермоқда. Журналистика соҳасида меҳнат қи-лаётган ходимларининг бир гуруҳи “Ўз-бекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди.

Тадбирда мазкур эсдалик нишони ўз эга-ларига топширилди.

ЎЗА. ЭЪЛОН

Ўзбекистон Халқ демократик пар-тияси Марказий Кенгаши биносидидаги иссиқлик тизимини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бў-йича ушбу йўналишда фаолият олиб борадиган корхона ва ташкилотлар ўртасида танлов эълон қиладди.

Тижорат таклифлари қуйидаги ман-зилларда қабул қилинади:

100029, Тошкент шаҳри, Мустақил-лик майдони 5/3.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва таш-килотлардан 2022 йил 23 декабрь ку-нига қадар тижорат таклифлари қабул қилинади.

Маълумот учун телефон рақами: тел.: (71) 239-83-12.

КОРЕЯДА ИШЛАШ УЧУН КВОТАЛАР СОНИ ОШАДИМИ?

Жанубий Кореяга борган Бандлик ва меҳнат муносабатла-ри вазири Нозим Ҳусанов Ўзбе-кистонлик меҳнат мигрантлари учун квота сонини ошириш юза-сидан фикр алмашган. Бу ҳақда вазирилик ахборот хизмати хабар бермоқда.

Шунингдек, Е-9 (ишчи) визаси асосида Ўзбекистон фуқаролари-ни қўрилиш ва қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш масалалари муҳокама қилинган. Корея Республи-касидаги компанияларга Ўзбекистон фуқароларини ишга жалб қилиш юзасидан англашув меморандуми ҳам имзоланган.

Жанубий Кореяда фаолият юри-тувчи ўқитувчилар кўнгилли равишда Ўзбекистондаги касб-хунар марказла-рида ёшларга касб-хунар сирларини ўргатишни бошлайди. Ҳамкорлик асосида Ўзбекистондаги КОИСА лойи-ҳалари ривожлантирилади.

Айни пайтда республикамиздаги тўртта КОИСА касб-хунарга ўқитиш марказида электроника, ахборот



технологиялари, автомобилсозлик, тикувчилик, сартарошлик-космето-логия каби талаб юқори касблар ўқи-тилмоқда. Бу марказларга корейлик ўқитувчилар кенгроқ жалб қилиниши катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, вазир Улсан шаҳрида “Hyundai Heavy Industries” кemasоз-лик компанияси президенти Ли Санг Кюн билан ҳам музокара ўтказиб,

Ўзбекистон фуқароларини қўшимча равишда ишга жалб қилиш, меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳо-кама қилган. Айни пайтда “Hyundai Heavy Industries” компаниясида 27 мингга яқин ходим меҳнат фаолияти-ни амалга ошириб келмоқда, шундан 200 нафарга яқини Ўзбекистон фуқа-ролари ҳисобланади.

“КОРЕЯГА ИШГА ЖЎНАТАМАН”

Яқинда судда чет элга ишга юбораман, дея фуқароларни алдаган бир аёлнинг иши кў-риб чиқилди. Судланувчи С.С. ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киришти мақ-садида бир фуқарони алдайди. Ваҳоланки, унинг фуқароларни чет элга юбориш учун ваколати бўлмаган.

Шундай бўлса-да, пойтах-тимизнинг Яккасарой тумани ҳудудида жойлашган респуб-лика болалар ижтимоий мос-лашув маркази олдида таниши Х.А.нинг ўғлини Жанубий Корея давлатига ишга юборишни ваъ-да қиладди.

– Биласиз, чет элга ишга юбориш учун виза ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш керак, – дейди ўзаро гап-сўзда С.С. – Ҳужжатлар учун 6 000 АҚШ доллари берасиз. Самолёт-нинг авиабилети учун 500 АҚШ доллари керак. Ҳа, айтгандай зағранпаспортингиз ҳам керак бўлади.

Х.А. аёлнинг гапига ишониб айтилган пулни ва паспортини беради. Тўрт ойда ишлар бита-ди, дегандан кейин ҳам орадан

ойлар ўтади. Бироқ, берилган ваъда бажарилмайди.

– Танишим ўзининг ўғлини Жанубий Корея давлатига ишга ёки ўқишга юбориш масаласида мендан ёрдам сўради, – деди суддаги кўрсатмасида судла-нувчи С.С. – Ўша вақтлар мен турмуш ўртоғим билан ажра-шиб, моддий томондан қийна-либ юрган пайтларим эди. Чет элга ишга юбориш ваколатига эга ҳеч қандай танишим бўлма-са-да, қийналиб қолганлигим сабабли ўша одамнинг пулини олмоқчи бўлиб алдамди. Айбим-ни тан оламан. Енгиллик бери-шингизни сўрайман.

Суд давлат айловчисининг ҳулосаси ва ҳимоячининг му-лоҳазасини тинглаб, жиноят ишларини ўрганиб чиқиб, суд-ланувчининг айбига иқрорлик кўрсатмаларини эшитиб ҳукм чиқарди. Фирибгарлик жиноя-тини содир этган аёлга 4 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Темур КАСИМОВ, жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси.



КРЕДИТЛАР ИШ ЎРНИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

БИР БИЗДА ЭМАС, ДУНЁДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИ ОШИБ БОРЯПТИ. ШУНДАЙ ПАЙТДА АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ, АЙНИҚСА, ПАРРАНДАЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Юртдошларимизнинг мазкур йўналишдаги лойиҳаларини молиялаштиришда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ҳам фаол иштирокчи банк ҳисобланади. Фикрларимизнинг тасдиғини жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида шу йўналишларга ажратилган кредитлар салмоғи шуни айтиб турибди.

2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан 362 та лойиҳага 260,7 миллиард сўм кредит ажратилди ва бунинг натижасида 3023 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, 2022 йил 19 апрелдаги “Худудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан манзилли рўйхатга киритилган 290 та лойиҳага 413 миллиард сўм кредит ажратиш режалаштирилган. 1 ноябрь ҳолатига 95 та мижозга 94,4 миллиард сўм кредит ажратилган. Натижада 928 та янги иш ўрни яратилган.

2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси” ҳудудида ёш тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида “FURSAT” электрон платформаси орқали жами 135 та ёш тадбиркорнинг 74 миллиард сўм ҳамда 4 миллион АҚШ долларилек лойиҳалари молиялаштирилган.

Имтиёзли кредитлар ҳисобига кам таъминланган оилалар вакиллари ишлаб даромад топишпти, ўз бизнесига ҳам эга бўлишмоқда. – Жамиятимиз 2 йилдан буён чорвачилик билан шуғулланиб келади, – дейди **“SAMSARAK NASLDOR CHORVA” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Маҳаммадали Эргашев.** – Ўтган вақт мобайнида ўзимизнинг жайдари қорамолларни парваришлаб, туманимизга сут маҳсулотларини етказиб келаётган эдик. Фаолиятимизни янада кенгайтириш ва насли қорамоллар сонини кўпайтириш мақсадида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Нурафшон шаҳар банк

» — **23 ёшдаман. 5 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, – дейди “Historical Xovos” МЧЖ раҳбари Азизбек Маҳмуджонов.** – Ўтган йиллар мобайнида туманимиздаги фермерлардан ерни ижарага олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, бозорларга олиб бориб сотардим. Даромадимиз яхши бўлганидан ўзимнинг бизнесимни йўлга қўймоқчи бўлдим. Боиси, бугунги кунда Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун барча имкониятлар эшиги очилган.

хизматлари офисига бизнес таклиф билан чиқдик ва банк бу таклифимизни қўллаб-қувватлади, хўжалигимизга 323 минг АҚШ доллари миқдорига имтиёзли кредит ажратди. Бу молиявий ёрдамга биз Австрия ва Германиядан 250 бош насли қорамол харид қилдик. Натижада фаолиятимиз кенгайди ва доимий ишловчи ишчилар сони 15 нафарни ташкил қилмоқда. Насли қорамоллардан кунига 2500-3000 литр сифатли сут олаёқимиз ва маҳсулотларимизни сутни қайта ишлайдиган ҳамкор компанияларга етказиб бермоқдамиз. Маълумот ўрнида яна шунини айтмоқчи эдимки, келажакда корхона фаолият қўламини кенгайтириб, қорамолчиликка ихтисослашган кластер ташкил қилишни режа қилиб турибмиз. Шунда сут ва сутдан кўп турдаги маҳсулотларни ўзимиз тайёрлаб, харидорларга етказиб берамиз. Маҳалладошларимиз учун яна қўшимча иш ўринларини ташкил

қиламиз. АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ходимларига раҳматимни айтмоқчи эдим. Чунки, банк ходимлари ҳар доим бизга яна нима ёрдам кераклигини сўраб туришади.

– 6 йилдан буён паррандачилик билан шуғулланиб келаман, – дейди **“Оҳангарон парранда саноат” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акрон Қосимов.** – Тўғриси айтишим керак, ўтган вақт мобайнида ҳар бир ишда бўлгани каби жамият фаолиятида ҳам молиявий томондан бироз муаммолар бўлди. Товуқларни кўпайтириш учун махсус сақлаш жой бунёд этиш ҳамда уларнинг еми ва озۇқасини етарли даражада ғамлаш каби масалаларда молиявий кўмакка муҳтож бўлиб турганимизда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Оҳангарон туман банк хизматлари офиси томонидан молиявий кўмак кўрсатилди.

Бугунги кунда банклар тадбиркорларга яқиндан кўмакчи бўлаётгани ҳақида оммавий ахборот воситаларидан кўриб, эшитиб ёки ўқиб қолардим. Шу боисдан ушбу тижорат банкига мурожаат қилдим. Банк ходимлари иш фаолиятим билан танишиб чиққанидан сўнг, ҳеч қанча вақт ўтмасдан 3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратди. Айни вақтда 55 мингта товуқни боқиб, улардан кунига 20-25 мингта тухум олаёқиман. 15 нафар одам доимий иш ўрнига эга бўлган. Даромадимиз яхши бўлаётганидан банк ишониб берган кредитни ўз вақтида тўлаб бораёқиман. Боиси, менга ўхшаб корхонаси молиявий кўмакка муҳтож бўлиб турган тадбиркорлар ҳам банкларнинг маблағларидан бемалол фойдалансин. Ҳа айтганча, фаолиятимни янада кенгайтиришни, яъни чорвачилик фирмасини ҳам ташкил қилишни мақсад қилиб турибман. Бунда ҳам банкнинг молиявий ёрдами зарур бўлади.

– 23 ёшдаман. 5 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, – дейди **“Historical Xovos” МЧЖ раҳбари Азизбек Маҳмуджонов.** – Ўтган йиллар мобайнида туманимиздаги фермерлардан ерни ижарага олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, бозорларга олиб бориб сотардим. Даромадимиз яхши бўлганидан ўзимнинг бизнесимни йўлга қўймоқчи бўлдим. Боиси, бугунги кунда Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун барча имкониятлар эшиги очилган. Жумладан, Президентимизнинг “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусарини қўллаб-қувватлаш



Замонавий икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчисини қуриш ва уни керакли асбоб-ускуна ва мебель жиҳозлари билан таъминлаш учун банк томонидан 700 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи ажратилди.


чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг эълон қилиниши мен тенги қанча ёшлар орзусини ушалтирди. Ушбу қарорга асосан АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Янгиер банк хизматлари офисига бизнес режамни ишлаб чиқиб, тақдим қилдим.

Замонавий икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчисини қуриш ва уни керакли асбоб-ускуна ва мебель жиҳозлари билан таъминлаш учун банк томонидан 700 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Бугунги кунда ушбу бинода эркаклар сартарошхонаси, аёллар гўзаллик салони иш бошлаш арафасида турибди. Бундан ташқари, аҳолига хизмат кўрсатиш турларини янада кенгайтириш мақсадида кийим-кечак ва канцтовар маҳсулотларининг савдоси йўлга қўйилган ҳамда мўъжазгина ошхона мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Айни вақтда 6 нафар ишчи доимий иш ўрнига эга бўлди. Яқин

кунларда, яъни декабрь ойида сартарошхона ва аёллар гўзаллик салони ўз фаолиятини бошлаши билан яна 4 нафар одам доимий иш ўрнига эга бўлади. Бундан ташқари, мавсумий кийимлар ишлаб чиқариш цехи фаолиятини ҳам йўлга қўйишни режалаштириб турибмиз. Бу фаолиятни ҳам йўлга қўйсақ, янада кўпроқ одамни иш билан банд қилган бўлардик. Шу боисдан бу йўналишда ҳам иш олиб бормоқдамиз. Фурсатдан фойдаланиб, мумкин бўлса, Президентимизга ўз миннатдорчилигини билдираман. Биз каби ёшларни қўллаб-қувватлаб тадбиркор бўлишимизга ундаганликлари учун.

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» хизматларидан мижозлари мамнун, уларнинг сони муттасил ошиб бормоқда.

Тоштемир Худойқулов тайёрлади.



FUTBOL

-4
-9

Корақалпоғистон
Республикаси
Хоразм

-2
-7

Бухоро
Навоий

+2
-3

Тошкент
Самарқанд
Жиззах
Сирдарё

0
+5

Қашқадарё
Сурхондарё

-2
+3

Андижон
Наманган
Фарғона

0
-2

Тошкент
шаҳри

t.me/uzbovozi

ozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



МУНДИАЛНИНГ ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВЛАРИ
ЯҚИНЛАШМОҚДА

Қатар мезбонлик қилаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг плей-офф босқичига старт берилди. Ун олти жамоа иштирок этадиган мазкур босқичда омадсиз жамоалар мусобақани якунлашига тўғри келади. Гуруҳ ўйинларидан кейин бу сафарги мундиалда ҳам бир қатор кутилмаган натижалар қайд этилди. Бунга Германия ва Уругвай каби кучли жамоаларнинг турнирни тарк этганини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Нимчорак финал беллашувлари Нидерландия ва АҚШ терма жамоаларининг ўйини билан бошланди. Ўйинда европalikларнинг устунлиги яққол сезилди. Натижада голландлар америкаликларни 3:1 ҳисобида мағлуб этди. Англия кейинги босқич йўлланмаси учун Сенегалга қарши майдонга тушди. Ушбу беллашувда ҳам кучли жамоа ўз сўзини айта олди. Кейн, Сака ва Хендерсоннинг голлари эвазига Англия Сенегални қийинчиликсиз мағлубиятга учратди. Африка жамоасида эса Садио Маненинг йўқлиги мусобақа давомида анча сезилди. Шу тариқа Нидерландия ва Англия ярим финал чиптаси учун курашадиган илк жамоаларга айланишди.

Мундиалнинг қолган баҳсларида ҳам ҳеч қандай сенсацион натижалар қайд этилмади. Аргентина Австралияни 2:1 ҳисобида мағлуб этган бўлса, Франция Польша устидан 3:1 ҳисобида устун келди. Месси бошчилигида Аргентина турнирдаги дастлабги “қоқилиш”дан кейин дадил одимлашда давом этмоқда. Жанубий Америка жамоасини гуруҳ босқичининг биринчи турида мағлубиятга учратган Саудия Арабистони термаси эса аллақачон мусобақа билан хайрлашган. Нимчорак финалда жамоасининг биринчи голига муаллифлик қилган Лео Месси жаҳон чемпионатида энг кўп ўйин ўтказиш бўйича афсонавий Марадонани ортда қолдирди. Турнирнинг навбатдаги тўқнашувида французлар Левандовски бошчилигидаги Польшанинг

чемпионатдаги иштирокига якун ясади. Мбаппе учун аталган баҳсда Франция рақиблари дарвозасига учта гол уришга муваффақ бўлди. Килиан мазкур беллашувда иккита гол уриб, тўпурақлик пойғасида яққол пешқадамга айланди. Кейинги босқичда Франция Англия билан кураш олиб борса, Нидерландия ярим финал чиптаси учун Аргентинага қарши майдонга тушади.

Жаҳон чемпионатида нисбатан имкониятлари тенг баҳоланаётган Хорватия ва Япония термалари ўртасидаги беллашув қарама-қаршилиқларга бой бўлди. Шунингдек, бу йилги жаҳон биринчилигининг плей-офф беллашувларида илк бор ғолиб пенальтилар сериясида аниқланди. Ўйин давомида иккала жамоа ғалаба учун борини бериб ҳаракат қилди. Бирок, асосий бўлимлар ва қўшимча дақиқаларда ҳам 1:1 ҳисоби ўзгаришсиз қолди. Пенальтилар сериясида эса японлар ўзларининг хатоси эвазига мусобақани шу босқичда тарк этишга мажбур бўлди. Мазкур серияда япониялик футболчилар учта пенальтидан фойдалана олмади.

Бразилия ва Хорватиянинг рақиблари маълум бўлди. Ушбу беллашувларда Марокаш ёшлардан таркиб топган Испанияни пенальтилар сериясида мағлуб этди. Учрашув якунланганидан сўнг испанлар бош мураббийи Луис Энрике лавозимидан бўшатилиши маълум бўлди. Марокаш эса турнирда ўз юришини давом эттираётган ягона Африка жамоасига айланди. Нимчорак финалнинг сўнгги баҳсида Португалия Швейцарияни аяб ўтирмади. Роналду захирада қолдирилган ўйинда португаллар рақиблари устидан 6:1 ҳисобида устун келди. Энди чорак финалда Хорватия Бразилия билан баҳс олиб борса, Португалиянинг рақиб Марокаш терма жамоаси бўлади. 1/4 финал босқичи ўйинлари 9 декабрда бошланади.

Жамшидбек АМИРОВ.

EMMM

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
«ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

Юрtdошларимизни
8 декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси
қабул қилинган
кун билан
табриклайди.



8-DEKABR
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KONSTITUTSIYASI KUNI
MUBORAK BO'LSIN!

QISHLOQQURILISHBANK



QUANT
Bank qo'lingizda bo'ladi!

qqb.uz 1254

MUASSIS:



O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV	Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV	Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA	Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV	Toshtemir XUDOYOYLOV
Guliston ANNAQILICHEVA	

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1241. 1382 nusxada bosildi.	O'zA yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220.	Topshirilgan vaqti — 21:55
t — Tijorat materiallari	1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.